




ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 138 (9.482) 2000 йил 22 ноябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РИМДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

РИМ, 21 ноябрь. Ўза махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташрифининг иккинчи кунин Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампи билан учрашувдан бошланди.

Дастлаб Италия Президентининг Квиринали саройидаги қароргоҳида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Карло Чампининг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган учрашувида ўзаро муносабатлар, алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг мамлакатимиз делегацияси Римдаги алоҳида давлат – Ватиканга йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов билан Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчининг учрашуви бўлиб ўтди. Рим Папаси ҳар кунини ўз ибодатларида Яратқандан Урта Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон халқига тинчлик, қут-барақа ва оқойишталик тилашини айтди.

Ислом Каримов Рим Папасига зарбоф тўн тақдим этди.

Мамлакатимиз Президенти Ватикан ҳукуматининг раҳбари кардинал А. Содано билан ҳам учрашди.

Президентимиз Италиянинг етакчи ташқи савдо ташкилотлари – Ташқи савдо институти, «САЧЕ» ва «СИМЕСТ» ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Маълумки, «ФИАТ» гуруҳига кирувчи «Кейс-Нью Холланд» компанияси Ўзбекистонда кенг фаолият юритиб келаяпти. Римда Ислом Каримов мазкур компания раҳбарларини қабул қилди.

Оқшом Ислом Каримов Италия Республикаси ташқи ишлар вазири Ламберто Дини билан суҳбатлашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида сўз борди. Учрашуви якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Италияга расмий ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон – Италия: ҳамкорлик қирралари

УЙИМИЗНИ БЕЗАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР




Пойтахтимиздаги «Совпластитал» корхонаси юртимизда катта муваффақият билан фаолият юритаётган, Италия билан ҳамкорликда ташкил этилган 61 корхонадан биридир.

Ҳа, мустақил Ўзбекистонимиз учинчи мингйиллик бугасида жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада фаоллаштирмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, савдо-иқтисодий соҳадаги энг ишончли шериклардан бири сифатида Италия Республикасини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Юртимизда фаолият кўрсатаётган, Италия билан ҳамкорликда ташкил этилган кўпгина корхоналар озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ эҳтиёж буюмларини, пахта чиқитларини қайта ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Пойтахтимиздаги «Совпластитал» корхонасида ишлаб чиқарилаётган бири-биридан ранг-баранг, дилларни қувонтирадиган сифатли маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижий элларда ҳам харидорлар эътирофи сазовор бўлмоқда.

Қайси биримиз ўз уйимизни шинам қилиб безашини

хохламаймиз. Бинобарин, бу корхонада тайёрланаётган чиройли маҳсулотлар хонадонларимиз чиройига чирой қўшиб унга файз бағишлармоқда. Ҳар қандай уй бекаси бу ерда ишлаб чиқарилаётган ҳужжат буюмлари ва идишларини севиб харид қилади. Ҳадемай, ҳаммаиш Янги йилни зўр қувонч билан қутиб оламиз. Мана шундай дамларда унингиз тўрида ана шу корхонада ишлаб чиқарилган сунъий арчалар яшнаб турса қандай яхши!

Хуллас, бир сўз билан айтганда «Совпластитал» кўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг довури кун сайин ошиб бормоқда. Бунда корхонада фидойиллик билан ишлаётган ҳар бир ишчи ва хизматчининг муносиб улуши бор. Бунини диққатингизга ҳавола этилаётган суратли лавҳалардан ҳам билиб олишингиз мумкин. Юқоридаги суратда тайёр маҳсулот намуналари акс этган. Пастдаги суратларда буюкчи С. Очилова, ҳайкалтарош-модели М. Нурибегов ва илғор ишчи Т. Тоирова тасвирланган. Ушбу тасвирларни эса суратқаш муҳбиримиз Сергей Любич суратга туширган.



Ўтган йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадд билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролин ошириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Ана шу Фармонга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси томонидан уй-жой коммунал хизматлари учун туланадиган ҳақнинг аҳоли томонидан таъминланиши мақсадларида уларни рағбатлантиришнинг махсус тартиби ишлаб чиқилган эди. Бундан кўндала тутилган мақсад ҳам аён эди. Яъни кам таъминланган аҳоли катламларини қўллаб-қувватлаш, ўз вақтида туланаётган ҳақ муаммоларни ечимини топиш эди. Бу йўлдаги ишлар зудлик билан йўлга қўйиб юборилди, лекин унинг якунларини аёвсуслар бўлсинки, ҳозирча қоникарли деб бўлмайди.

қариш органларининг ҳисоб фондларига берилади. Ана шу ажратилган маблағдан мажбурий таразда маблағларни қўзғалган мақсадларга тўлаш қўзда тутилади. Бу кам таъминланган оилаларга ёр-

шқариш органлари кам таъминланган оилаларга ёрдам бераётган бўлсаларда бу ёрдам биз юқорида таъкидлаб ўтган маблағ эвазига бўлаётган йўқ.

Шу ўринда ўз-ўзидан шун-

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси маҳаллалар билан ўзаро муносабат масалаларини қайтадан қўриб чиқди. Шартнома асослари бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар учун тушадиган ҳақ масалалари, ўз-ўзини бошқариш орган-

ларини қўллаб-қувватлаш ва шу каби бошқа масалалар ҳал қилиниши керак эди. Жумладан, ҳар ойда маҳаллалар бўйича 75 фоиздан ортиқ ҳақ тулган тақдирда ундан тушадиган тушумларнинг 10 фоизи (ҳақ тўла тулган холларда эса 20 фоизи) фуқароларнинг ўз-ўзини бош-

қариш органлари кам таъминланган оилаларга ёрдам бераётган бўлсаларда бу ёрдам биз юқорида таъкидлаб ўтган маблағ эвазига бўлаётган йўқ.

Шу ўринда ўз-ўзидан шун-

қариш органлари кам таъминланган оилаларга ёрдам бераётган бўлсаларда бу ёрдам биз юқорида таъкидлаб ўтган маблағ эвазига бўлаётган йўқ.

Шу ўринда ўз-ўзидан шун-

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАБЛАҲЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Кеча** Олий Мажлисида ўтган давра суҳбатида Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси муҳокамага киритилган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди.
- Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда Мотуридий ва Маргиний меросини ўрганиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган шарқшунос, исломшунос олимлар, хорижий мутахассислар, дипломатлар ҳамда журналистлар қатнашди.
- **Кеча** Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида ушбу тармок фаолиятида метрологиянинг ўрни мавзусида илмий анжуман ўз ишнини бошлади.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Умумжаҳон бола ҳуқуқлари кўни муносабати билан «Бола ҳуқуқлари ва қонун» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтларида «Миллий мафкура – келажак пойдевори» мавзусида ўтказилган ишлар таллови нирҳоясига етди.
- Урганч шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Туркменистон Республикалари божхона хизмати ходимларининг минтақавий учрашуви ўтказилди.
- Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетида ва Мухтор элчиси Нинг Хеккер Мартин бошчилигидаги делегация Андижонга ташрифи буюрди.
- Буюк Британиянинг Рейтер ахборот агентлиги Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очди.
- Фарғонадаги «Наврўз» мевани қайта ишлаш корхонаси қошида Италия сармоси асосида «Фаркам» қўшма корхона ташкил этилди. Унда йилга 28 минг тонна помидор қайта ишланиб, маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.
- Андижонда ҳосил байрами ўтказилди.
- Талабалар шаҳарчасида «Экссан» халқаро жамғармаси ва «Ешлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда Халқаро талабалар кўнига бағишланган «Ешлар ва атраф-муҳит XXI аср бугасида» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.
- Хевада учинчи марта шаҳар кўни нишонланди.
- **Эртага** буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига бағишлаб Темурийлар тарихи давлат музейида «Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилади. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар заллида шу мавзудаги кўргазма очилади. (Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган материалларни газетанинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз).
- **Кеча** «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуида «Труд» газетасининг соврини учун аънавий халқаро болалар шахмат турнири бошланди.

ЖАҲОНДА

- **Кеча** Москвада Россия Президенти Владимир Путин ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр норасмий учрашуви ўтказилди. Учрашувда икки томонлама ва халқаро муносабатлар масаласи муҳокама этилди.
- **Кеча** Арманистон Президенти Р. Кочарян ўзининг Грецияга расмий ташрифини бошлади. Ташриф чоғида у мамлакат раҳбарияти билан минтақавий муаммоларни муҳокама этди.
- **Кеча** Тожикистонда МДХ мамлакатлари солиқни сақлаш вазириларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда санитария-гигиена қондаларига риоя қилиш, дорин-дармонларни олиб бориш ва олиб чиқишни тартибга солиш масалалари муҳокама этилди.
- **Бугун** Қирғизистонда муҳолифат етакчиси, генерал Ф. Кулов устидан суд ана тикланади. Маълумки, бундан бир неча ой муқаддам у ҳарбий суд томонидан оқланган эди, бироқ республика бош прокуратураси ушбу қарор устидан апелляция берди. Ф. Кулов коррупцияда айбонмоқда.
- Утган кун Фазо ҳудудида Исроилнинг мактаб автобуси портлатилди. Шунинг оқибатида икки киши ҳалок бўлди ва 14 нафар бола жароҳатланди. Исроил Бош вазири Е. Барак Исроил минтақадagi вазиетни кескинлаштиришга қаратилган ҳаракатларни қилиш режасида эмас, деди. Бирок, шундан сўнг Исроил ҳарбий-денгиз кучлари зудлик билан Фаластин иншоотларига кучли ракета зарбалари берди. Рўй бераётган воқеалар муносабати билан БМТ Бош қотиби К. Аннан икки томон вакиллари билан учрашди ва улар билан Фазо ҳудудида ва Иордан дарёсининг Габрий қирғоғида халқаро тинчликни ўрнатувчи кўнларни жойлаштириш масаласини муҳокама қилди. **Кеча** эса фаластинликлар билан исроилликлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар давом этди. Шунинг оқибатида уч фаластинлик ва битта исроиллик ҳалок бўлди.
- Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган вазиет муносабати билан Араб мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Исроилни тан олган Миср Араб Республикаси исроилликларнинг босиб олинган Фаластин ерларидаги тинч аҳолига қарши кўрсатилган қабих, гайринисоний кирдиқорларига қарши норозилик тарзида ўзининг Тель-Авивдаги элчисини чакриб олди ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг факултетида сессиясини чакришга даъват этди.
- Таниқли мультпликатор, шўхрати кенг ёйилган «Сеними, шомшай тур!» мультпликаторининг фильмларининг ижодкори В. Котеночкин Москвада 74 ёшида вафот этди.

Байрамларга тайёргарлик қизгин

КЕЧА

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун – 8 декабрь – умумхалқ байрамга тайёргарлик қизғин ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

Шунингдек, мажлисида Янги йил байрамида «Президент арчасини ўтказишга тайёргарлик қизғин ва ўтказиш бора-сидаги масала ҳам қўриб чиқилди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, уюшма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х. Кароматов бошқарди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мазкур саналар ҳар йили катта тантаналар билан қутиб олинади. Янги аср бугасида 8 декабрь нафақат Қомусимиз байрами сифатида, балки озолик, ҳурлик, инсонийлик, меҳр-муруват ва савҳат рамзи сифатида ҳам янада кенг нишонланади. Чунки Асосий Қонунимиз мустақил мамлакатимиз ҳаётининг бош дастури, инсон ҳуқуқлари, миллий ва умумбағиш қадриятлар, адолат ва қонун устуворлигининг бош белгисидир.

Айни вақтда мамлакатимизда бошланган бундай хайрли тадбирлар янги йил байрами тантаналарига ҳам уланиб кетади. XXI асрнинг дастлабки йили ер юзида катта тантаналар билан қутиб олинади. Мамлакатимизда ҳам янги асрнинг биринчи йили халқимизнинг миллий урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда одатдагидан ўзгача шоду хуррамлик билан қарши олинчи шўбҳаси. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жойларда ташкил этиладиган «Президент арчалари» атрофида ўтказиладиган тадбирлар юртимиз келажак бўлиши боғаларга кўрсатиладиган ғамхўрликнинг яна бир ифодасига айланади.

Мажлисида халқимизнинг азалий одатларига кўра, байрамларда эҳтижман ва кўп болали оилаларнинг фарзандаларига, айниқса, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига бегарз ёрдам ва муруват кўрсатилиб, Президентимиз номидан Янги йил совғалари топширилиши алоҳида таъкидланди. (ЎЗА).

Тошкент шаҳар ҳокимлигида САМАРАДОРЛИК ОШИШИ КЕРАК

Маълумки, шу йил 15 ноябрдан ёнгин хавфсизлиги ойлги ўтказилмоқда. 15 декабрда давом этиладиган мазкур ойлк доирасида пойтахтимизда ёнгинга қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бир мунча жадаллашди. Шаҳар туманларида мазкур ойлк муносабати билан турли ташкилий ва тарғибот-тушунтириш ишлари мунтазам ўтказилишига эришилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ёнгин хавфсизлиги ойлгининг бориши муҳокама-сига бағишланган мажлисида шу борада пойтахтда юзага келган муаммолар ҳамда уларнинг сўзсиз ҳал этилишини таъминлаш ҳақида гап борди. Чунинчи, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнгиндан сақлаш бошқармасининг бошлиги Т. Саматов қўрилётган чора-тадбирларга қарамай, ёнгинларда тан жароҳати олганлар ва бевақ ҳалок бўлганлар сони камайтаётганига эътиборни қаратди. Жумладан Мирзо Улугбек, Миробод ва Чилонзор туманларида ёнгин оқибатида қўрилган моддий зарар шу йилнинг ўйида ўтган йил шу даврига нисбатан аниқгина ошганлиги қайд этилган.

Мажлисини олиб борган Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Шоабдурахмонов ва сўзга чиққан фаоллар ёнгин хавфсизлиги ойлгини ўтказиш бўйича туман комиссиялари масъулиятини ошириш, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ўн кунликда ҳисоботлар бериб борилишини йўлга қўйиш, ойлк доирасида белгиланган режаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш ҳақида гапирдилар. Корхона ёки ташкилотларда ёнгин хавфсизлигига риоя қилинишидаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар бериш, ёнгиндан сақланиш қондаларига риоя этмаган ташкилот раҳбарларига нисбатан қонунчилик доирасида қатъий чоралар қўриш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида ёнгин хавфсизлиги ойлгини намуна-ли ўтказишни таъминлаш билан боғлиқ бошқа долзарб масалалар муҳокама этилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Танловлар КАМОЛИДДИН БЕХЗОД АВЛОДЛАРИ

Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Оналик ва болалик» маркази қошида «Камолиддин Бехзод авлодлари» номи кам таъминланган, ногирон, кўп болали оилалардаги истеъодли болаларни қўллаб-қувватлаш, устоз-шоғирд ижодкор болалар масканининг очилиши нур устига аъло нур бўлди.

Кўни кеча тумандаги «Ўзбеккоммуналлояиха» институтида буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги ҳамда Соғлом авлод йилга бағишлаб «Камолиддин Бехзод авлодлари-2000» деб номланган туман кўргазма-танлови бўлиб ўтди. Кўргазма-танловда Юнусобод туманидаги Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернат, лицей ва ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ижодкор болаларнинг сара асарлари намойиш қилинди.

Танлов сўнгида «Камолиддин Бехзод авлодлари» қолиблари аниқланиб, уларга туман ҳокимлигининг эс-далиқ совғалари топширилди.

Дилором ИКРОМОВА.

лия Академияси Банки») қарзи 74 минг 47 сўмини, А. Солихоннинг («Гиллер» кичик корхонаси) қарзи 87 минг 142 сўмини, Р. Азимовнинг («Алиш» хусусий фирмаси) қарзи 72 минг 190 сўмини, С. Саидовнинг (хусусий фирма) қарзи 88 минг 505 сўмини ташкил этганлигини қандай баҳолаш керак? Хусусий тадбиркор Л. Набиева ҳаммадан ҳам «рекорд» натижага эришди. Унинг бу борадаги қарзи бир юз бир минг сўмдан зиёдини ташкил этди. Қўриниб турибдики юқорида номлари келтириб ўтилган шахсларнинг иш ҳолиларидан нолий-диган томонлари асло йўқ. Бирок, бу жанобарлар ва хонимлар ўз қарзларини тўлаш ни хаёлларига ҳам келтиришмаёттир. Бунинг сабаблари бизга номалум. Шахримиз-

нинг бошқа туманларидан ҳам худди шундай далиллар келтириш мумкин. Бу ўринда яна биз сизни қайратга солмоқчимиз: яккасаройлик Ф. Алиевнинг қарзи 167 минг сўмдан ҳам ошиб кетди.

Ўз қарзини тўлашни хохламаётган, гап таъсир қилмайдиган бундай қарздорларнинг рўйхати аёвсуслик ойл сайин кенгайиб бормоқда. Тошкент шаҳар худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси томонидан бундай қимсаларга қандай чора-тадбирлар қўлланилиши ҳозирча бизга қоронғу. Лекин шаҳар бюджетига салбий таъсир кўрсатаётган, мамлакатимиз ҳукумати томонидан ягона мақсадга қаратилган ишларга салбий таъсир кўрсатаётган бундай шахсларга қаттиқ чоралар қўриш вақти келди деб ўйлаймиз.

(Ўз муҳбиримиз).

ШАҲАР ҲЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА ҚАРЗИНГИЗНИ НЕГА ТўЛАМАЙСИЗ?

Ўтган йилнинг бошига келиб шаҳар коммунал-фойдаланиш бирлашмаси тўламанган маблағлари ярим миллион сўмини ташкил этди. Хозирга келиб бу рақам бир ярим миллиондан сўмга етди. Ҳўш, бу маблағлар қаредан келди? Бу саволга жавоб ҳам

оддийгина: шахримиздаги айрим кишилар ўзлари фойдаланаётган чирок, сув, иситиш ва ҳақини тўлашни ҳатто хаёли-шу урида ҳам келтиришмайди. Шу ўринда кам таъминланган оилалар ҳақида гап кетса уларни балки тушуниш мумкин бўлар, бироқ Миробод туманида истиқомат қилувчи завод директори В. Плесневичнинг 1998 йилдан бери тўламанган қарзи 83 минг 500 сўмини ташкил этди, сергелилик К. Мамаев («Мо-

